

“ЖЕЙН ЭЙР” РОМАНИДА МАДАНИЙ КОНТЕКСТГА АСОСЛАНГАН МЕТАФОРИК ТУЗИЛМАЛАР

Улугова Шохида Шохруховна
СамДЧТИ катта ўқитувчиси

Аннотация.

Маколада Шарлот Бронте қаламига мансуб “Жейн Эйр” романида маданий контексттеги асосланган метафорик тузилмаларнинг мазмун моҳияти ҳақида баён этилган. “Севги”, “диний ақидалар”, “предмет ва ўзлик” каби концептуал метафоралардан мисоллар келтирилган.

Калит сўзлар:

フレйм, концептуал метафора, миллий-маданий хусусиятлар, фикр, мазмун, маданий контекст, метафорик тузилма.

Маданиятнинг жамоавий хусусиятга эга эканлиги бошқа муаллифлар таърифида хам таъкидланади: “маданият бу – онгнинг жаомавий дастурланишидир ва шу дастур асосида бир гурухга оид одамлар бошқаларидан фарқланади” (Хофстеде 2014: 10).

Тадқиқотчилар тил ва нутқ тизимларининг миллий-маданий хусусиятлари ҳақида гапираётиб, маданий жиҳатга эга ахборот тил системасининг барча сатҳларига хос бўлиб, маданий сема, маданий концепт ва маданий коннотатив бўёк кабилар кўринишида намоён бўлишини қайд этадилар (Тер-Минасова 2000)

О.Г. Дубровскаяяниң наздида, матн мундарижасидаги маданий ахборотни фрейм таҳлили татбиқида аниклаш мумкин. Бундай таҳлил давомида дискурсив фаолият жараёнида шаклланадиган хамда матнларда қайта яратилиши мумкин бўлган “ментал дастурлар” қаторини ажратиш мухимдир (Дубровская 2011: 80).

“Жейн Эйр” романни матнида маданий контексттеги асосланган метафорик тузилмалар хам топилиб туради:

But as matters really stood, to watch Miss Ingram's efforts at fascinating Mr. Rochester, to witness their repeated failure—herself unconscious that they did fail; vainly fancying that each shaft launched hit the mark, and infatuatedly pluming herself on success, when her pride and self-complacency repelled further and further what she wished to allure—to witness this, was to be at once under ceaseless excitation and ruthless restraint.

Because, when she failed, I saw how she might have succeeded. Arrows that continually glanced off from Mr. Rochester's breast and fell harmless at his feet, might, I knew, if shot by a surer hand, have quivered keen in his proud heart— have called love into his stern eye, and softness into his sardonic face; or, better still, without weapons a silent conquest might have been won (Chapter 18, 175).

Бу ерда ривожлантирилаётган концептуал метафора, албатта, LOVE IS WAR ва бу “shot”, “weapons”, “conquest”, “won” каби кўрсатичларга эга. Айтиш жоизки, семантик таянч вазифасини ўтаётган “севги” (love) тушунчасининг ўзи киноя мазмунини олади. Ушбу парчада Жейннинг фикри баён қилинмоқда ва бу фикр унда мисс Ингрэм ҳар қандай усуулда Рочестерни йўлдан оғдириш хамда унинг муҳаббатига сазовор бўлиш максадидаги харакатларини кузатиш жараёнида пайдо бўлади. Мазкур холат ҳақидаги фикри ифодалаш учун “Купидоннинг олтин найзаси” (Cupid's golden arrow) метафорик фреймига мурожаат қилинмоқда. Юнон мифологиясига кўра, Купидон – Меркурий ва Венеранинг ўғли, севги худоси. У, мифологик талқинга кўра, қаҳрли камон ва найза билан куролланган қанотли бола тасвирига эга. Кўлидаги куроллари худолар ва инсонларга йўналтирилган бўлиб, улар воситасида муҳаббат уйғотиш мажбуриятини англатади (Zimmerman 1980: 76).

Маданий контекстни, мифологиядан ташқари, диний ақидалар хам ташкил қиласи. Бинобарин, ғарбий халқлар жамиятида христиан дини мухим ролни ўтайди хамда кўпинча метафорик тузилмалар учун концептуал манба вазифасини бажаради:

The wondrous shock of feeling had come like the earthquake which shook the foundations of Paul and Silas's prison; it had opened the doors of the soul's cell and loosed its bands—it had wakened it out of its sleep, whence it sprang trembling, listening, aghast; then vibrated thrice a cry on my startled ear, and in my quaking heart and through my spirit, which neither feared nor shook, but exulted as if in joy over the success of one effort it had been privileged to make, independent of the cumbrous body (Chapter 36, 405).

Рочестернинг “Жейн, Жейн, Жейн!” деган қичқириғи унинг (Жейннинг) қулоғига тинимсиз, ҳатто у ўттис олти соатлик йўлда бўлганида ҳам, эшитилиб турибди. Бу воқеа Жейннинг Рочестерга турмушга чиқиши ҳақидаги истаги С. Жоннинг шу кабилдаги таклифи таъсирида бироз пасайган пайтда содир бўлмоқда. Лекин у бир тўхтамга келганича йўқ ва худодан мадад сўраб, ишонч ҳосил қилишга ҳаракат қилмоқда. У Яратганга мурожаат қилмоқда: “Мен чин қалбимдан, жўшқин ният ила “факат ва факат тўғри йўлдан бормоқчиман. Оллоҳдан менга йўл кўрсатишни ёлвориб сўрайман” (*I sincerely, deeply, fervently longed to do what was right; and only that. “Show me, show me the path!” I entreated of Heaven (Chapter 35, 403)*). Рочестернинг сехрли овозини эшитгандан сўнг Жейн унинг илтимосини эшитганига ишонч туғдирмоқда ва Рочестерга бўлган мұхаббатига илохий кучлар гувоҳ эканлигидан хабар топмоқда.

Павел ва Силас ҳақидаги хикоя муқаддас китобдан олинган. Бу шахслар ва миссионерлар гурухи Македонияга етиб келишиб, бир неча вақт Филиппи номли жойда дин тарқатиши мақсадида умргузаронлик қилишади. Баъзи одамларга бу хуш келмайди ва уларни қамоққа ташлайдилар. Қамоқда уларга азоб беришади ва уларни занжирбанд қилишиб, аянчиз калтаклайдилар. Ҳархолда, Павел ва Силас ҳеч қачон умидсизликланмасдан Яратганга сажда қилишиб, диний қўшиқларни куйладилар.

Ушбу вазиятда воқеланаётган яна бир концептуал метафора SUBJECT-SELF бўлиб, унда гавда ва юрак муносабати акс топади. Оламнинг бу хилдаги концептуаллашувида “гавда” предмет (subject) вазифасини бажаради ҳамда идиш қўринишидаги бу предмет ичига “self” (“ўзи”) хизматидаги юрак қамалган. Маълум диний фалсафий, психологик талқинларга биноан, юрак инсоннинг моддий қўринишга эга бўлмаган аъзосидир. Юрак (қалб) онг, руҳият каби ўз-ўзидан фаолият кўрсата олади. Албатта, инсондан ўзини ёки ўзлигини назорат қилиш талаб қилинади, бироқ инглиз маданиятида бундай назоратнинг йўклиги ҳам ижобий баҳоланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Дубровская. О.Г. К методике и приёмам описания культурологической маркированности дискурса (опыт фреймового анализа) // Вестник Московского университета. Серия 19: Межкультурная коммуникация, 2011. №3. – С.76-85.
2. Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. – М., 2000.
3. Хофтеде Г. Модель Хофтеде в контексте: параметры количественной характеристики культур//Язык коммуникация и социальная среда. – Воронеж: Изд-во ВГУ, 2014. – С. 9-50.
4. Zimmerman J. Dictionary of Classical Mythology. – Toronto: Batam Books, 1980. – 300р.